



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 9 » сентябрь

№ 547

Toshkent sh.

### **Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банки иштирокида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 декабрдаги ПҚ-4553-сон “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банклари кредитларини жалб қилган ҳолда, “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик банки (кейинги ўринларда – JBIC) ўртасида 2019 йил 16 декабрда имзоланган меморандумга мувофиқ 2020-2021 йилларда “Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини ташкил этиш (Дата-марказ)”, “Ўзбектелеком” АКнинг халқаро пакетли коммутация марказларини кенгайтириш” ва “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация транспорт тармоғи ва маълумотларни узатиш тармоғини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаларини (кейинги ўринларда – инвестиция лойиҳалари) ҳамкорликда амалга ошириш келишилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун JBIC ва Япониянинг “Sumitomo Mitsui Banking Corporation” банкининг (кейинги ўринларда – SMBC) жами 162,95 млн АҚШ доллари эквивалентида япон йенасидаги кредитларини жалб қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Куйидагилар умумий қиймати 193,73 млн АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

JBICнинг 10 йил муддатга, JPY CIRR плус 1,48 фоиз, шу жумладан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 0,5 фоиз миқдордаги банк маржасига тенг бўлган йиллик фоиз ставкада 138,51 млн АҚШ доллари эквивалентида япон йенасидаги кредити;

SMBCнинг 6 йил муддатга, 6 ойлик ЛИБОР плюс 4 фоиз, шу жумладан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 0,5 фоиз миқдордаги банк маржасига тенг бўлган йиллик фоиз ставкада 24,44 млн АҚШ доллари эквивалентида япон йеназидаги кредити;

“Ўзбектелеком” АКнинг 6,42 млн АҚШ доллари миқдордаги ўз маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг 24,36 млн АҚШ доллари миқдорда солиқ ва божхона имтиёзларини тақдим этиш кўринишидаги улуши.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

“Ўзбектелеком” АК JBIC ва SMBC кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун масъул бўлган ижро органи ҳисобланади;

JBIC ва SMBC кредитларини қайтариш, шу жумладан мажбурият комиссияси, фоизлар ва бошқа харажатлар билан боғлиқ тўловлар “Ўзбектелеком” АКнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### 4. Қуйидагилар:

“Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ташкил этиш (Дата-марказ)” инвестиция лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асосларнинг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага;

“Ўзбектелеком” АКнинг халқаро пакетли коммутация марказларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асосларнинг асосий техник-иқтисодий параметрлари 2-иловага;

“Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация транспорт тармоғи ва маълумотларни узатиш тармоғини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асосларнинг асосий техник-иқтисодий параметрлари 3-иловага;

“Ўзбектелеком” АКнинг инвестиция лойиҳалари бўйича Япония халқаро ҳамкорлик банки кредитини қайтариш прогноз графиги 4-иловага;

“Ўзбектелеком” АКнинг инвестиция лойиҳалари бўйича Япониянинг “Sumitomo Mitsui Banking Corporation” банки кредитини қайтариш прогноз графиги 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Молия вазирига жалб қилинаётган кредит битимлари бўйича тақдим этилган шартлар асосида хорижий банклар олдидаги Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мажбуриятлари юзасидан, шунингдек “Ўзбектелеком” АКнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки олдидаги мажбуриятлари бўйича 2021 йил ҳисобидан белгиланган тартибда давлат кафолатларини бериш ваколати берилсин.

6. Адлия вазирлиги кредит битимлари шартларида назарда тутилган шакл бўйича Ҳукуматнинг хорижий банкларга бериладиган кафолатлари бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “9” сентябр даги 547-сон қарорига  
1-илова

**“Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ташкил этиш  
(Дата-марказ)” инвестиция лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асосларнинг  
асосий техник-иқтисодий параметрлари**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Жами	Шу жумладан			
				ЖВІС кредити	SMBC кредити	Ўз маблағлари	Ўзбекистон Республикаси ҳиссаси
1	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ долл.	108 892,83	77 775,00	13 725,00	3 667,83	13 725,00
2	Капитал қўйилмалар миқдори, жами:	минг АҚШ долл.	95 167,83	77 775,00	13 725,00	3 667,83	
	шу жумладан:						
	машина ва ускуналар						
	ЭАВда	минг АҚШ долл.	91 500,00	77 775,00	13 725,00		
	миллий валютада	минг АҚШ долл. экв.					
	қурилиш-монтаж ишлари	минг АҚШ долл. экв.	-				
	инвестиция даврида молиявий харажатлар	минг АҚШ долл. экв.	3 301,83			3 301,83	
	дастлабқи айланма маблағлар		-				
	ЭАВда	минг АҚШ долл.					
	миллий валютада	минг АҚШ долл. экв.					
	бошқа харажатлар						
	ЭАВда	минг АҚШ долл.	366,00			366,00	
	миллий валютада	минг АҚШ долл. экв.					
3	Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар	минг АҚШ долл. экв.	13 725,00				13 725,00
4	Мавжуд асосий воситалар қиймати	минг АҚШ долл. экв.	-				
5	Корхонанинг қуввати, шу жумладан: - йиллик ишлаб чиқариш ҳажми - тахминий йиллик экспорт ҳажми			Аҳоли, ташкилот ва компанияларга замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун умумий сифими камида 100 Пбайт бўлган маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ташкил этиш.			
6	Ташкил этиладиган иш ўринлари			12 та иш ўрни			
7	Лойиҳанинг ўзини оқлаш муддати			4 йил 6 ой			
8	Инвестиция даврининг давомийлиги			12 ой			
9	Яратиладиган ишлаб чиқариш фондларининг қиймати		91 866,00	минг АҚШ долл. экв.			
10	Кредит ва бошқа қарз маблағларининг қайтарилиш муддати, валютада			ЖВІС кредити 10 йил, SMBC кредити 6 йил			

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “9” сентябр даги 547-сон қарорига  
2-илова

**“Ўзбектелеком” АҚнинг халқаро пакетли коммутация марказларини кенгайтириш”  
инвестиция лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асосларнинг  
асосий техник-иқтисодий параметрлари**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Жами	Шу жумладан			
				ЖВБС кредити	СМВБС кредити	Ўз маблағ- лари	Ўзбекистон Республикаси ҳиссаси
1	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ долл.	52 504,76	37 608,46	6 636,79	1 709,83	6 549,68
2	Капитал қўйилмалар миқдори, жами:	минг АҚШ долл.	45 955,08	37 608,46	6 636,79	1 709,83	
	шу жумладан: машина ва ускуналар ЭАВда	минг АҚШ долл.	44 245,25	37 608,46	6 636,79		
	миллий валютада	минг АҚШ долл. экв.					
	қурилиш-монтаж ишлари	минг АҚШ долл. экв.	–				
	инвестиция даврида молиявий харажатлар	минг АҚШ долл. экв.	1 485,15			1 485,15	
	дастлабки айланма маблағлар ЭАВда	минг АҚШ долл. минг АҚШ долл. экв.	–				
	миллий валютада						
	бошқа харажатлар ЭАВда	минг АҚШ долл. минг АҚШ долл. экв.	– 224,68			224,68	
	миллий валютада						
3	Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар	минг АҚШ долл. экв.	6 549,68				6 549,68
4	Мавжуд асосий воситалар қиймати	минг АҚШ долл. экв.	–				
5	Корхонанинг қуввати, шу жумладан: - йиллик ишлаб чиқариш ҳажми - тахминий йиллик экспорт ҳажми			Ташқи Интернет канали ўтказиш қобилиятининг бирлаштирилган трафигини 3000 Гбит/с га кенгайтириш (бунда, Тошкент ш. 1-ХПКМ 2000 Гбит/с; Бухоро ш. 2-ХПКМда 1000 Гбит/с.га ошириш).			
6	Ташкил этиладиган иш ўринлари			–			
7	Лойиҳанинг ўзини оқлаш муддати			3 йил 7 ой			
8	Инвестиция даврининг даврийлиги			13 ой			
9	Яратиладиган ишлаб чиқариш фондларининг қиймати		44 469,93 минг АҚШ долл. экв.				
10	Кредит ва бошқа қарз маблағларининг қайтарилиш муддати, валютада			ЖВБС кредити 10 йил, СМВБС кредити 6 йил			

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “ 9 ” сентябр даги 547 -сон қарорига  
3-илова

**“Ўзбектелеком” АҚнинг телекоммуникация транспорт тармоғи ва маълумотларни узатиш тармоғини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асосларнинг асосий техник-иқтисодий параметрлари**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Жами	Шу жумладан			
				ЖВБС кредити	СМБС кредити	Ўз маблағлари	Ўзбекистон Республикаси хиссаси
1	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ долл.	32 337,63	23 128,5	4081,5	1 046,13	4 081,50
2	Капитал қўйилмалар миқдори, жами:	минг АҚШ долл.	28 256,13	23 128,5	4081,5	1 046,13	
	шу жумладан: машина ва ускуналар ЭАВда	минг АҚШ долл.	27 210,00	23 128,5	4081,5		
	миллий валютада	минг АҚШ долл. экв.					
	қурилиш-монтаж ишлари	минг АҚШ долл. экв.	–				
	инвестиция даврида молиявий харажатлар	минг АҚШ долл. экв.	937,29			937,29	
	дастлабки айланма маблағлар ЭАВда	минг АҚШ долл. минг АҚШ долл. экв.	–				
	миллий валютада						
	бошқа харажатлар ЭАВда	минг АҚШ долл. минг АҚШ долл. экв.	108,84			108,84	
	миллий валютада						
3	Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар	минг АҚШ долл. экв.	4 081,50				4 081,50
4	Мавжуд асосий воситалар қиймати	минг АҚШ долл. экв.	–				
5	Корхонанинг қуввати, шу жумладан: - йиллик ишлаб чиқариш ҳажми - тахминий йиллик экспорт ҳажми			DWDM технологияси асосида ишлайдиган транспорт тармоғининг ва IP/MPLS технологияси асосида ишлайдиган мультисервисли маълумотлар узатиш тармоқларининг вилоятлар даражасида тезлигини 400 Гбит/с.га етказиш учун қурилмаларни келтириш, ўрнатиш, синовдан ўтказиш ва ишга тушириш ишлари амалга оширилади.			
6	Ташкил этиладиган иш ўринлари			–			
7	Лойиҳанинг ўзини оқлаш муддати			4 йил 11 ой			
8	Инвестиция даврининг давомийлиги			13 ой			
9	Яратиладиган ишлаб чиқариш фондларининг қиймати			27 318,84 минг АҚШ долл. экв.			
10	Кредит ва бошқа қарз маблағларининг қайтарилиш муддати, валютада			ЖВБС кредити 10 йил, СМБС кредити 6 йил			

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “9” сентябрдаги 547-сон қарорига  
4-илова

**“Ўзбектелеком” АҚнинг инвестиция лойиҳалари бўйича Япония халқаро  
хамкорлик банки кредитини қайтариш прогноз графиги**

Қарз суммаси	–	138 511 961 АҚШ доллар
Қарзни қайтариш муддати	–	10 йил
ЖВІС фоиз ставкаси	–	1,86% (йиллик)
Миллий банк маржаси	–	0,5% (йиллик)
Мажбурият комиссияси	–	0,65% (бир маротабалик)
Кредитни ташкил этиш учун комиссия	–	1,30% (бир маротабалик)

АҚШ доллар

Тўлов муддати	Кредит колдиги	Асосий қарзни тўлаш*	ЖВІС фоиз ставкаси**	Миллий банк маржаси	Мажбурият комиссияси	Кредитни ташкил этиш учун комиссия	Жами тўловлар
			1,86%	0,50%	0,65%	1,30%	
<b>Кредит суммаси</b>	<b>138 511 961</b>						
2020 й. II ярим йиллик						1 800 655	1 800 655
2021 й. I ярим йиллик	131 586 363	6 925 598	0	0	457 667		7 383 265
2021 й. II ярим йиллик	124 660 765	6 925 598	992 558	272 771	91 798		8 282 725
2022 й. I ярим йиллик	117 735 167	6 925 598	1 165 786	313 383			8 404 767
2022 й. II ярим йиллик	110 809 569	6 925 598	1 119 269	300 879			8 345 746
2023 й. I ярим йиллик	103 883 971	6 925 598	1 036 254	278 563			8 240 415
2023 й. II ярим йиллик	96 958 373	6 925 598	987 590	265 481			8 178 669
2024 й. I ярим йиллик	90 032 775	6 925 598	906 722	243 743			8 076 063
2024 й. II ярим йиллик	83 107 177	6 925 598	860 563	231 334			8 017 495
2025 й. I ярим йиллик	76 181 579	6 925 598	766 544	208 922			7 901 064
2025 й. II ярим йиллик	69 255 980	6 925 598	714 312	194 686			7 834 596
2026 й. I ярим йиллик	62 330 382	6 925 598	638 787	174 102			7 738 487
2026 й. II ярим йиллик	55 404 784	6 925 598	584 437	159 289			7 669 324
2027 й. I ярим йиллик	48 479 186	6 925 598	511 029	139 281			7 575 908
2027 й. II ярим йиллик	41 553 588	6 925 598	454 562	123 891			7 504 051
2028 й. I ярим йиллик	34 627 990	6 925 598	385 390	105 038			7 416 026
2028 й. II ярим йиллик	27 702 392	6 925 598	324 687	88 494			7 338 779
2029 й. I ярим йиллик	20 776 794	6 925 598	255 515	69 641			7 250 754
2029 й. II ярим йиллик	13 851 196	6 925 598	194 812	53 096			7 173 506
2030 й. I ярим йиллик	6 925 598	6 925 598	127 757	34 820			7 088 175
2030 й. II ярим йиллик	0	6 925 599	64 937	17 699			7 008 235
<b>Жами</b>		<b>138 511 961</b>	<b>12 091 511</b>	<b>3 275 113</b>	<b>549 465</b>	<b>1 800 655</b>	<b>156 228 705</b>

\* кредит келишуви даврида кредит маблағларини қайтариш вақтига имтиёзли муддат қўшилиши ҳамда фоиз ставкалари ўзгариши мумкин.

\*\* 2020 йил 14 январь ҳолатига кўра, CIRR киймати 0,88 % га тенг.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “9” сентябр даги 547-сон қарорига  
5-илова

**“Ўзбектелеком” АКнинг инвестиция лойиҳалари бўйича  
Япониянинг “Sumitomo Mitsui Banking Corporation” банки кредитини  
қайтариш прогноз графиги**

Қарз суммаси	–	24 443 287 АҚШ доллар
Қарзни қайтариш муддати	–	6 йил
SMBC фоиз ставкаси	–	3,63% (йиллик)
Миллий банк маржаси	–	0,5% (йиллик)
Мажбурият комиссияси	–	1,27% (бир мартабалик)
Кредитни ташкил этиш учун комиссия	–	2,15% (бир мартабалик)

АҚШ доллар

Тўлов муддати	Кредит қолдиғи	Асосий қарзни тўлаш*	SMBC фоиз ставкаси**	Миллий банк маржаси	Мажбурият комиссияси	Кредитни ташкил этиш учун комиссия	Жами тўловлар
			3,63%	0,50%	1,27%	2,15%	
<b>Кредит суммаси</b>	24 443 287						
<b>2020 й.</b>							
II ярим йиллик	24 443 287					525 531	525 531
<b>2021 й.</b>							
I ярим йиллик	22 406 347	2 036 941	431 768	59 554	70 286	0	2 598 549
<b>2021 й.</b>							
II ярим йиллик	20 369 406	2 036 941	412 884	56 949	0	0	2 506 774
<b>2022 й.</b>							
I ярим йиллик	18 332 465	2 036 941	375 349	51 772	0	0	2 464 062
<b>2022 й.</b>							
II ярим йиллик	16 295 525	2 036 941	337 814	46 595	0	0	2 421 350
<b>2023 й.</b>							
I ярим йиллик	14 258 584	2 036 941	300 279	41 418	0	0	2 378 638
<b>2023 й.</b>							
II ярим йиллик	12 221 644	2 036 941	262 744	36 241	0	0	2 335 926
<b>2024 й.</b>							
I ярим йиллик	10 184 703	2 036 941	225 209	31 063	0	0	2 293 213
<b>2024 й.</b>							
II ярим йиллик	8 147 762	2 036 941	187 674	25 886	0	0	2 250 501
<b>2025 й.</b>							
I ярим йиллик	6 110 822	2 036 941	150 139	20 709	0	0	2 207 789
<b>2025 й.</b>							
II ярим йиллик	4 073 881	2 036 941	112 605	15 532	0	0	2 165 078
<b>2026 й.</b>							
I ярим йиллик	2 036 941	2 036 941	75 070	10 354	0	0	2 122 365
<b>2026 й.</b>							
II ярим йиллик	0	2 036 936	37 535	5 177	0	0	2 079 648
<b>Жами</b>		<b>24 443 287</b>	<b>2 909 070</b>	<b>401 251</b>	<b>70 286</b>	<b>525 531</b>	<b>28 349 424</b>

\* - кредит келишуви даврида кредит маблағларини қайтариш вақтига имтиёзли муддат қўшилиши ҳамда фоиз ставкалари ўзгариши мумкин.

\*\* - 2020 йил 31 январь ҳолатига кўра, 6 ойлик ЛИБОР (йена) киймати 0,13 % га тенг.

